760596

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз жаноби олийларига Саудия Арабистони халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий табриклар ва эзгу биродарлик ниятларини йўллашдан бениҳоя шодман.

Аллоҳ таолодан Сиз жаноби олийларига, биродар Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик ҳамда бутун араб ва мусулмон оламига бахт-саодат ва баракот сўрайман.

Икки муқаддас ҳарам ходими Саудия Арабистони мамлакатининг подшоҳи Фаҳд бин Абдул Азиз Ол САУД.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Муқаддас Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз жаноби олийларига самимий ва дўстона тилаклар билан мурожаат қилиш ҳамда Сиз жаноби олийларига, биродар Ўзбекистон халқига, шу билан бирга бутун араб ва мусулмон оламига сидқидилдан эзгулик, бахт ва фароғат тилаш шарафидан беҳад мамнунман.

Саудия Арабистони мамлакатининг тахт вориси, Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, Миллий Гвардия бошлиғи Абдуллоҳ бин Абдул Азиз Ол САУД.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

М. БУРҲОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, ўзбек миллий мусиқа санъатини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда жамоат ҳаётида фаол қатнашаётганлиги учун Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Мутал (Мутаваккил) **БУРҲОНОВ** Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 12 май.

РАОНИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао Ҳиндистон Миллий Конгресси (ҲМК) партиясининг умумий сайловларида мисли кўрилмаган мағлубиятидан сўнг истеъфога чиқишига тўғри келмоқда. Мағлубиятнинг сабаби сиёсий беқарорлик деб топилмоқда.

БОШ КОТИБ РАДДИЯСИ

БМТ Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий БМТ нинг Исроил томонидан атайлаб уюштирилган ва оқибатда 100 киши ҳалок бўлган ҳаво ҳужуми ҳақидаги баёнотни танқид қилганларга рад жавобини берди.

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

• Италиянинг янги парламенти келишмовчилик билан иш бошламоқда.

***

• Америкалик неонацист Германияда судланмоқда.

***

• Жанубий Африка янги конституция қабул қилиш арафасида.

***

• Қўршапалаксимон махлуқ Мексика қишлоқларини даҳшатга солмоқда.

***

• Бензин баклари портлаганлиги натижасида Лондонда ёнғин содир бўлди.

***

• Кучли шамол Мехикодаги совун фабрикасини ер билан яксон қилди.

***

• Айғоқчилар машмашаси Россия ва Буюк Британия ўртасидаги муносабатларни таранглаштирди.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 14 май, сешанба № 59 (21.980).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

КОММУНИКАЦИЯ РАВНАҚИ ЮКСАЛИШ ОМИЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 май куни Эрон Ислом Республикасининг Машҳад шаҳрига жўнаб кетди.

Мамлакатимиз раҳбари бу ерда Марказий Осиё давлатлари ва Эрон Ислом Республикаси ҳамкорлигида қурилган Машҳад—Серахс—Тежен темир йўлининг тантанали очилиш маросимида иштирок этади. Сўнг Ўзбекистон Президенти Туркманистон пойтахти Ашгабадда иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашувида қатнашади.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига мувофиқлашуви, ташқи иқтисодий алоқалари, савдо-сотиғи ривожи икки муҳим омил билан боғлиқдир. Биринчиси, Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш борасидаги ислоҳотлар муваффақияти ва хорижий ҳамкорлар билан ишлаш тажрибаси бўлса, иккинчиси, бизга боғлиқ бўлмаган томони — коммуникация, яъни транспорт йўллари алоқасидир.

— Масаланинг бевосита ўзимизга тегишли жиҳатига келсак, — деди Президент Ислом Каримов Тошкент аэропортида журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, — Ўзбекистоннинг бугунги иқтисодий имкониятлари, охирги йилларда эришган ютуқларини жаҳон ҳамжамияти кенг тан олмоқда. Шу билан бир пайтда республикамизга қизиқиш тобора ортиб боряпти ва хорижий ҳамкорларимиз кун сайин кўпаймоқда. Лекин бизнинг жўғрофий жиҳатдан сув йўлларига эга эмаслигимиз ана шу алоқаларни жадал ривожлантиришга халал беряпти. Машҳад—Серахс—Тежен темир йўли эса бизга катта имкониятлар очади, турли давлатлар билан савдо-сотиқ алоқаларини ривожлантиришга қулай шароит туғдиради.

Ўзбекистон Машҳад ва Теҳрон орқали Туркияга чиқувчи бу йўл билан чекланиб қолиш ниятида эмас. Мамлакатимиз раҳбари Афғонистон орқали Покистоннинг Карачи бандаргоҳларига олиб чиқувчи йўл қурилиши режаси устида ҳам тинимсиз ишланаётганини таъкидлади.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Ашгабадда бўладиган навбатдаги учрашуви эса, асосан, ўзаро коммуникацияни ривожлантириш масалаларига бағишланади. Олий даражадаги учрашувда иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бешта Марказий Осиё мамлакати ҳамда Эрон, Туркия, Покистон, Афғонистон ва Озарбойжон давлатлари раҳбарлари қатнашади. Унда коммуникация соҳасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари масаласи кўриб чиқилади, бу борадаги ўзаро мажбуриятлар аниқлаштириб олинади.

Президент Ислом Каримов учрашувнинг бошқа бир муҳим жиҳатига тўхталди. Маълумки, Ўзбекистон Туркманистон, Озарбойжон ва Грузия давлатлари ўртасида Қора денгизга чиқувчи янги транспорт йўлини қуриш режалаштирилаётир. Мазкур учрашувда ушбу ниятни амалга ошириш масаласи ҳам атрофлича муҳокама қилинади.

Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан алоқа қилувчи бир неча қулай йўлларга эга бўлиши мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, ташқи савдо-сотиқ ҳажмини ошириш орқали халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашга хизмат қилади. Ўзбекистон Президентининг мазкур сафари бу борадаги эзгу ниятлар ижобатининг дебочаси бўлиши шубҳасиздир.

Мамлакатимиз раҳбарини Тошкент аэропортида Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, С. Сафоев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов кузатиб қолди.

(ЎзА).

● *Иқтисодиёт олами* ● *Иқтисодиёт олами* ●

САККИЗТА «ГАЗ-31» БЕРИЛДИ

АНДИЖОН (мухбиримиздан). Вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракати билан вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига бир йўла саккизта «ГАЗ-31» машинаси ажратилди.

Бунга қадар Қўрғонтепа туман ҳокимлиги тиббий хизмат кўрсатиш жамоалари ихтиёрига учта «Жигули» машинаси олиб берган эди. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳокимлик томонидан қилинаётган ҳаракатлар тиббиёт соҳасига эътибор бўлиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза этишга хизмат қилади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ТОЛАГА ХОРИЖЛИКЛАР ХАРИДОР

НАМАНГАН (мухбиримиздан). Хорижликлар билан анчадан бери ҳамкорлик қилиб юрган чортоқлик пахта тозаловчилар эски анъанани бу йил ҳам бузмадилар. Голландия, Олмония, Швецария, Дубайда туман толасини бажонидил олишяпти. Яна бир хайрли гап. Пахта тозаловчилар давлат шартномасидаги маҳсулотни сотиб бўлиб, ҳозир жамоа хўжаликларига тегишли бўлган 40 фоизли хом ашёни харидорларга етказмоқда.

— Ҳозир қўлимизда 650 тонна толага буюртма бор, — дейди пахта тозалаш заводи раҳбари Э. Абдуллаев. — Вагонлар ҳолати қўлимизни ушламаганда буюртмани аллақачон бажарардик.

Эркинбой ака айтмоқчи, тола юклаш учун кўпинча илма-тешик, таъмирталаб вагонлар юборилянти. Баъзиларини ўнглашга ҳафталаб вақт сарфланмоқда.

Республика темир йўли мутасаддилари вагонлар тақсимотини марказлашган ҳолда ҳал этишса мақсадга мувофиқ бўларди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ҲОМИЙЛАР КЎМАГИДА

ҚИБРАЙ туманидаги Хўжакўрғон қишлоғида 80 ўринли болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Боғчани бунёд этишда тумандаги 155-қурилиш монтаж бошқармаси бунёдкорлари жонбозлик кўрсатдилар. Бундан ташқари Чинобод нефть базаси, автомобиль йўллари бошқармаси, «Мустақиллик» жамоа хўжалиги, «Қизил шалола» тажриба хўжалиги ва кўплаб ташкилотлар бинони барпо этишга ҳомийлик қилдилар.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЙЎЛЛАР ВА ДИЛЛАР ТУТАШГАН ЖОЙДА

Машҳад шаҳри, 13 май, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Жаҳон» Ахборот агентлиги мухбири Насриддин МУҲАММАДИЕВ хабар қилади:

Кеча кечқурун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Машҳад — Серахс — Тежен — темир йўлининг тантанали очилиш маросимида иштирок этиш учун Эрон Ислом Республикасининг Машҳад шаҳрига келди.

Машҳад аэропортида Ўзбекистон раҳбарини Эрон Ислом Республикаси Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний кутиб олди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакат мадҳиялари янгради.

Шундан сўнг Ислом Каримов ўзи учун ажратилган қароргоҳга — куни кеча ишга тушган замонавий «Хумо» меҳмонхонасига йўл олди. Ўзбекистон раҳбарининг сафарига республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Р. Юнусов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси раиси Н. Эрметов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилмоқдалар.

Энди икки оғиз Машҳад шаҳри ва ишга тушадиган янги йўл ҳақида. Машҳад Эроннинг энг йирик — Хуросон вилояти маркази. Бу қадимий шаҳар асрлар давомида Ўзбекистон ва Марказий Осиё билан ўзвий алоқада бўлган. Айниқса, Амир Темур Курагон, Шоҳруҳ Мирзо, Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган йилларда бу шаҳар йирик маданий ва иқтисодий марказга айланган. Шаҳарда ўнлаб масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар барпо этилган. Бу ишларга буюк бобомиз Алишер Навоий ҳам катта ҳисса қўшган. Шаҳар кўчаларидан бири Амир Алишер Навоий номи билан аталаётганлиги қалбимизни ифтихор туйғуларига тўлдиради. Шоҳруҳ Мирзонинг рафиқаси, Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегим қурдирган улуғвор мадраса ҳамон шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Мадраса ва унинг ёнида қад кўтарган Имом Ризо мақбараси ҳамиша зиёратчилар билан гавжум.

Шўролар иттифоқи даврида чегараларга «темир қулф» урилгач, бошқа ҳудудлар сингари Хуросон вилояти билан ҳам алоқалар узилиб қолган эди. Истиқлол шарофати туфайли, қадимий карвон йўллари қайта тикланмоқда. Туркманистон, қолаверса Марказий Осиё республикалари билан Эрон темир йўлларини туташтирадиган Машҳад — Серахс — Тежен йўлининг ишга туширилиши бунинг ёрқин мисолидир. 295 километрлик янги йўлнинг очилиши билан Марказий Осиё мамлакатлари Форс қўрфазига чиқадиган энг яқин йўлга эга буладилар. Айни пайтда у Истанбул — Пекин трансосиё темир йўлининг таркибий қисми бўлиб қолади. Натижада Ғарбий ва Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасидаги юк ташиш муддатлари бир ҳафтага қисқаради.

Айрим Осиё мамлакатларида Ғарбий Европага бориш йўли эса 10-15 минг километрга камаяди.

Шу сабабли бу воқеага Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам қизиқиш катта. Йўлнинг очилиш тантаналарида Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига (ЭКО) аъзо бўлган Эрон, Покистон, Туркия, Озарбойжон, Афғонистон ва Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарлари ҳамда ўнлаб давлатлардан таклиф этилган расмий ҳайъатлар иштирок этмоқда.

Кеча Ислом Каримов ўз қароргоҳида Грузия Республикаси Президенти Эдуард Шеварднадзе билан учрашди. Унда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ҳамда имзоланиши мўлжалланаётган тўрт томонлама шартнома хусусида фикрлашиб олинди. Маълумки, Озарбойжон, Грузия, Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасида имзоланадиган бу шартномада Қора денгиз портларига борадиган янги транспорт йўлини очиш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

Бугун тантаналар Машҳад шаҳри, темир йўл вокзалидан бошланди. Бу ерда янги йўл шарафига бағишланган ёдгорлик тахтасининг очилиш маросими бўлди. Маросим якунида биринчи поезд янги изларда сафарга чиқарилди.

Шундан сўнг Ислом Каримов ва тантаналарда иштирок этаётган бошқа давлат бошлиқлари махсус самолётда Эроннинг Серахс шаҳрига жўнаб кетдилар.

Ҳеч ким бефарқ эмас бу элда... Муҳаммад АМИН олган сурат.

Аччиқ, аммо очиқ гап!

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДАГИ ҚОҒОЗБОЗЛИК

Акция бор, дивиденд йўқ, гап-сўзлар... кўп

Рентабеллик неча фоиз бўлди-ю фойда қанчага етди, деган савол туғилганда, билсангиз, корхона-ю жамоаларда бош иқтисодчини излаб қолишади.

Бозорда-ку, масалан, иқтисодчи, деган штат йўқ. Ҳар ким ўзига ўзи иқтисодчи-ю, ўзига ўзи ҳисобчи. Шунинг учунми бозорга иши тушган одам ҳушёр тортади. Уйқуси ўчади. Ҳатто, мактабга ўн йил қатнаб оддий каср билан ўнли касрнинг фарқига бормай кетганлар кўзларига фойданинг шуъласи илашиши билан уни кўпайтиришнинг машқини ола бошлайдилар. Баъзи корхона ёки жамоада-чи? Ишчи ёки калхўзчи у ёқда турсин, директор ё раисман деганлар соф фойда-ю даромад ҳақидаги гапни иқтисодчи тайёрлаб берган шпаргалкага қараб зўрга айтиб бера оладилар.

Лекин одамзот бино бўлиптики, айримлар қорнининг ташвишини қилиб келган. Ишонмайсизми? Шўрчи пахта тозалаш заводи директори Суюн Тожиев ўзини ҳар жиҳатдан замонавий одам деб билгани истиҳоласиданми, жамоани 1994 йилдаёқ ҳиссадорлик жамияти сифатида иш юритишга даъват қилди. «Ҳиссадорлик» дегани нимаси деб пешонасини тириштирганларга ўн учинчи маошнинг ўрнига дивиденд оласизлар, деди. Дивиденднинг нималигини англаганлар бирданига ўзларини ҳиссадорлик рўйхатига киритишни сўраб қолдилар. Шундай қилиб, жамоа пахта заводи эмас, «Пахта» ҳиссадорлик жамияти, деб атала бошланди.

Қарийб икки йилдан буён иқтисодий ислоҳотлар йўлида жамоа бошқаларга ўрнак бўларли ишларни бажаргандир, деган илинж билан яқинда биз шу жамоа остонасини ҳатладик. Йўқ, адашибмиз. Биз бу гал ҳам ҳиссадорлик жамиятига эмас, ўзимиз билган ўша эски пахта заводига келиб қолибмиз. Бундай дейишимизнинг биринчи боиси шуки, жамиятнинг ўтган йилги даромаду буромади ҳақида аниқ гап олмоғимиз учун бошлиқлар бир томонда қолиб, бош иқтисодчини излашимиз лозим бўлиб қолди. Ва ўша бош иқтисодчи Йўлдошев Элмурод заводнинг деймизми, жамиятнинг деймизми, бош муҳандислигини қилаётган Бобомуродов гапини маъқуллагандай бўлиб заводимиз 1996 йил январидан ҳиссадорлик жамиятига айланган, деди.

Лекин, хайриятки деймизми, афсуски деймизми, тўғри гапни айтадиган одам ҳар қандай ҳолатда ҳам топилади. Ўзини молия ишлари буғолтириман деб таништирган Бегмат Бўриев «заводимиз 1994 йил 12 декабрдан ҳиссадорлик жамиятига айланди, ишонмасангиз, мана документлари,» деб тегишли қўмита томонидан жамоа номига ёзилган ордерни кўрсатди.

Бўриев кабинетдан чиққандай бўлувди, яна, биз ҳиссадорликка тўқсон олтинчи йилдан ўтган бўлсак керак, деган гап қўзғалди. Нима учундир лавозимдорроқ одамларнинг гапига кўпроқ ишонадиган биз мухбирлар боягина ўзимиз кўрган ордернинг ҳақ-ноҳақлигига шубҳалангандай бўлдик. Ўзини қайта-қайта йўқлаб, бир гапни қайта-қайта сўраганимиздан Бўриев асабийлашгандай бўлди.

— Ҳиссадорликка ўтганимиздан сўнг акция сотишимиз керак эди. Акциядан роппа-роса бир йил дарак бўлмади, — дейди Бўриев. — Акция бозорини ташкил қилишга раҳбариятимиз, тўғриси, қизиқмади. Бу ишнинг чўзилиб кетаётгани ҳақида мен ҳатто рапортлар ёзиб бердим. Ниҳоят, 1995 йил 12 декабрда 2362 дона акция обкелишди. Сотамиз...

— Ўн учинчи маошдан ушлаб қоламиз акциянинг пулини, — деб қўшимча қилади муҳандис.

— 506 ҳиссадор бор, — дейди Бўриев гапида давом этиб. — Энг кўп акция сотиб олган одам — директор. Ўн битта акция олди. Шундан 5 таси имтиёзли.

— Менга директор битта оддий, иккита имтиёзли акция сотди... Ўн тўрт йил ишлаганман-а заводда бўлмасам, — дейди ўпкалангандай бўлиб П. Бобомуродов, — Директоримизнинг заводда ишлаганига эса уч йил бўлди...

— Демак, дивиденд...

— Э, дивиденд борми акция сотилмаган жойда, — дейди Бўриев. — Ўтган йили олган соф фойдамиз 2 миллиондан сал ошиқ. Агар ҳиссадор бўлиб, заводни ҳамма ўзининг мулкидай билиб, даромадга ва буромадга ҳамма жонкуяр бўлиб ишлаганимиздами, 2 миллион нима, эҳтимол ўн миллион фойда кўрардик. Ишлаб чиқариш кўрсаткичларимизни кўрсангиз, қойил, дейсиз — 45 минг тонна пахтани қайта ишлаганмиз. Толаю чигит чиқиш кўрсаткичлари юз ўн фоизга яқин. Технологияга янгиликлар жорий қилинди. Лекин дунёқараш, муносабатлар технологияси ҳамон мен сенга-ю, сен менга тегма, деган эски йўлдан кетяпти (шу йўл ҳам керакдир-да кимларгадир).

— Директору инженерга сотилди, деяпсиз-у.

— Айтаяпману кимнинг қанчадан акция сотиб олиши аниқланди, деб. Ўн учинчи маошга қараб турибмиз.

Ҳали... сотилса-да...

... Заводда бўлса (ҳа, жамиятда эмас, заводда) кейинги пайтда паст-баланд гаплар ўрмалаб қолди: юқоридан келган тафтишчининг ташрифидан корхонадагилар (ишчилар эмас, раҳбарлар) шошиб қолишипти. Ёнилгию яна нима балолар талон-торож бўпти ва ҳоказо...

Мулкнинг бошида ҳиссадорларнинг ўзлари туришганда бу гаплар бўлмасмиди эҳтимол!

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига

САМАРҚАНД СОҲИБҚИРОНГА ПЕШВОЗ ЧИҚМОҚДА

Самарқанд шаҳар ҳокими, республика Олий Мажлиси депутати Азиз НОСИРОВ билан суҳбат

— Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг Самарқанд билан боғлиқ тақдири, фаолияти, ўрни жаҳоний аҳамияти, қадр-қиммати бор. Руйи заминнинг сайқали, нилий гумбазлари қўк ичра кўк, Самарқанд довруғи ва номини жаҳонга ёйган ҳам Амир Темур ибн Тарағай Баҳодирдир. Улуғ бобомизнинг ҳур, гўзал юртига, эл улусига, буюк Турон давлатининг асосчиси, туркий халқларнинг яловбардори, азиз ардоқли фарзанди сифатида қайтгани рост бўлсин. Истиқлол нашидасига қалбдан тўйиб, энтикиб соҳибқироннинг қутлуғ номини дилларга жо қиляпмиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Фармони билан 1996 йил «Амир Темур йили» деб эълон қилиниши халқимиз қалбини севинч ва ёғдуга тўлдирди.

Амир Темур ардоқлаган, эъзозлаган шаҳар аҳли мўминлари, фуқаролари буюк бобомиз тўйига тайёргарликни анча илгари — Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 декабрдаги соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича қабул қилган қарори бўйича иш бошлагандик.

— Азиз ака! Муборак тўйга қизғин тайёргарлик кўриш, улуғ саркарда номи билан боғлиқ тарихий обидаларни, ёдгорликларни тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига шаҳарда алоҳида аҳамият берилиши табиий. Шундай эмасми?

— Худди шундай. Чунки юбилей тантаналаримиз асосий қисми Самарқандда бўлади. Бу қутлуғ тўйга ҳар томонлама тайёргарлик кўриш ҳар биримизга — катта ғурур ва шу билан бирга катта масъулият ҳам юклайди.

Соҳибқирон туғилган кунни муносиб кутиб олиш учун катта ҳажмдаги ишларни бажариш режалаштирилган. Самарқанднинг ўрни алоҳида эканлиги муносабати билан белгиланган ишлар ўз вақтида, тез фурсатларда, аъло даражада бажариш учун вилоят, шаҳар ҳокимлари тегишли қарорлар қабул қилдилар. Соҳибқирон номи билан боғлиқ обидаларни тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш борасида аниқ тадбирлар тасдиқланди. Айни кунларда олиб бориладиган ишларни ўз вақтида бажариш учун доимий ишлайдиган штаб фаолият кўрсатмоқда.

— Обидаларни таъмирлаш, тиклаш ва ободонлаштириш ишларини шарҳлаб берсангиз?

— Соҳибқирон мақбарасида кенг кўламдаги таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу юмушларга Андижон, Наманган ва Бухородан 200 нафардан ортиқ халқ усталари, шаҳардаги йирик қурилиш ташкилотлари жалб қилинган. Мақбаранинг жанубий-шарқий ва жанубий-ғарбий миноралари ўз аслига қайтарилмоқда. Миноранинг биттаси асосан тиклаб бўлинди.

Мақбаранинг ички девори пастки қисми Эрондан келтирилган ноёб тош билан қопланаётир. Айвоннинг деворлари, гумбазини ва ҳовлидаги таянч деворларни қопламалаш бўйича тезкор юмушлар бажариляпти. Мақбара интерьерини бадиий безаш ишлари гул баргидек нозиклик, дид ва фаросат билан олиб борилмоқда. Муҳаммад Султон хонақоҳи ва жанубий айвон ҳудудида ҳам ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етказилаётир.

— Оқсарой мақбарасида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилаётирми?

— Оқсарой Амир Темур мақбарасининг шарқий-ғарбида жойлашган обида. Замонлар ўтиши билан, айниқса, шўро даврида қаровсиз ҳолга тушиб қолган. Ҳозир обиданинг биринчи навбати таъмирланмоқда. Иккала мақбара ўртасидаги йўл очилиб 20 га яқин ҳовлили аҳоли кўчирилиб, атрофи ободонлаштирилмоқда.

Шунингдек, Руҳобод мақбараси, Улуғбек мадрасаси ва Амир Темур майдонидаги ободонлаштириш ишларининг жадал олиб борилиши қувончлидир.

— Ўзингиз имзо чеккан қарорда Амир Темур ва Руҳобод мақбаралари умумий, яхлит кўриниш касб этиб Темур майдонининг асосий қисми бўлади, — дейилган?

— Шундай. Бу ерда мавжуд иншоотларни кўчириш ишлари бажариб бўлинди. «Табассум» қаҳвахонаси ҳам олиниб, кенг майдон очилди. Қаҳвахонанинг ўрнида буюк бобокалонимизнинг виқорли, салобатли тахтда ўтирган ҳайкали ўрнатилади. Амир Темур юбилейи ўтадиган кунларда бу ер гўзал, энг сўлим гўшага айланади.

Амир Темур майдони лойиҳаси учун меъморий кўрик танлови эълон қилдик. Танловда жюри ҳайъати меъмор Файзулло Маҳмадқулов лойиҳасини энг яхши иш, деб қабул қилди. Ҳозир майдон шу асосда безатилмоқда, қурилмоқда, жиҳозланмоқда.

— Тўйга ҳозирлик кўришда яна қандай режалар амалга оширилади?

— Тантанага тайёргарликнинг иккинчи йўналишидаги ишлар ҳам улуғвор. Бу Амир Темур даврига хос бўлган илмий анъаналарни тиклаш ва давом эттиришга қаратилган ЎзФА Самарқанд бўлими ва қадимшунослик институтлари, СамДУ 10 дан ортиқ илмий рисола-асарлар, тўпламлар чоп эттиряпти, илмий-амалий саёҳатлар уюштиришаяпти. «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Самарқанд минтақавий бўлинмаси соҳибқирон номи билан боғлиқ жойларга янги сайёҳлик йўллари очаяпти. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, мактаб ва боғчаларда Амир Темур ҳаёти ва ижодига бағишланган кечалар, тантаналар бўлиб ўтаяпти. Ўзининг юз йиллик юбилейига тайёргарлик кўраётган А. Икромов номидаги Ўзбекистон халқлари маданияти тарихи музейида Темур ва Темурийлар сулоласи даври маданиятига оид экспозиция очилган. Унда асосан XIV-XV асрларга оид экспонатлар намойиш қилинмоқда.

Хуллас, буюк бобокалонимиз таваллудининг 660 йиллиги шаҳримизда йил охиригача давом этади. Буни нафақат самарқандликлар, балки бутун дунёидуннинг тинчликсевар, ҳур ва озод кишилари катта шодиёна билан нишонлайдилар. Шуниси қувончлики, бу тўй республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги байрамларига уланиб кетади. Иншоолло, мустақиллик ҳам соҳибқирон бобомиз умри каби боқий бўлсин!

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ суҳбатлашди.

Масъулият ва бурч

ТАДБИРЛАР ҚОҒОЗДА ҚОЛМАСИН

Тўрткўл туман партия кенгаши Қорақалпоғистон Республикасидагина эмас, ҳатто мамлакатимиздаги йирик партия ташкилотларидан бири ҳисобланади. Туманда 3545 нафар партия аъзоси бор. Уларнинг асосий қисми ишлаб чиқаришда.

И. Давлатов котиблик қилаётган Навоий маҳалласи ҳудудий партия ташкилоти саъй-ҳаракати билан гузар ободонлаштирилди. Унда тўй маросимларини ўтказиш учун барча қулайликлар яратилган. Сартарошхона, кийим бичиш-тикиш, дорихона, стомоталогия поликлиникаси, гўшт, озиқ-овқат ва саноат моллари дўконлари ишлаб турибди. Шулар ҳисобидан 28 киши иш билан таъминланди.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши ижроия бюросининг навбатдаги йиғилишида Тўрткўл туман кенгашининг аҳоли яшаш жойларида партиямизнинг дастурий мақсадини амалга ошириш ва партия сафини тўлдириб бориш ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Унда туман партия кенгаши биринчи котиби З. Раззоқов фаолияти ва ижроия бюро олиб бораётган ишлар чуқур таҳлил қилинди. Шу билан бир қаторда партия ишларидаги камчиликлар ҳақида ҳам сўз кетди.

Ўтган йилнинг иккинчи ярмида ички партиявий ишлар бўшаштириб юборилгани қайд қилинди. Тўртинчи чорак учун иш режаси тузилмаган. Ачинарлиси шундаки, ижроия бюро мажлислари ўтазилмаган. Натижада кун тартибида режалаштирилган масалалар қоғозда қолиб кетаверган. Баъзи цех ва бошланғич партия ташкилотларида ҳозир ҳам фаоллик етишмаяпти. Шунинг оқибатида партия сафларини тўлдириш суст бормоқда. 1995 йилнинг биринчи чорагида 94 киши партия аъзолигига қабул қилинган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида бор йўғи 10 киши қабул қилинган, 92 та бошланғич партия ташкилотида бир киши ҳам партия аъзолигига қабул қилинмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Ижроия бюро мажлиси туман партия кенгаши ва унинг ижроия бюроси ишидаги камчиликларни фаолларнинг масъулиятсизлиги, туман партия кенгаши ва ижроия бюро аъзоларидан самарали фойдалана олмаганлиги, ташкилотчилик, тарғибот-ташвиқот ишлари сусайтириб юборилганлиги, партия тизимидан сайланган депутатлардан етарли фойдаланмаганлигидан, деб кўрсатди. Пировардида, туман партия кенгаши ва унинг ижроия бюроси ишларини тубдан яхшилашга аниқ тавсиялар, таклифлар берилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Қорақалпоқ қизлари.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

Ватанимизда

· БУХОРО (мухбиримиздан). Вилоятда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда. «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят бўлими илмий-амалий анжуман ўтказди. «Соҳибқирон мероси — тарбия воситаси» мавзуидаги йиғилишда профессор Ф. Қосимов, Бухоро Давлат университети катта ўқитувчиси С. Салимов, доцент Ш. Ҳайитовлар маруза қилишди.

Даврон БАҲРОНОВ.

· АНДИЖОН (мухбиримиздан). *Шаҳрихон туманидаги «Бўстон» жамоа хўжалигининг Эшонқишлоқ маҳалласида яшовчи Неъматжон ва Муаззамхон Ортиқовлар оиласида бир йўла уч фарзанд дунёга келди. Уй бекасини 1987 йили Фотима ва Зуҳра билан табриклашган эди. Мана энди, уларнинг оиласи яна уч нафар зурриёд ҳисобига кўпайди.*

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ТОШКЕНТ (мухбиримиздан). Ўрта Чирчиқ туманидаги Охунбобоев номли 4-ўрта мактабда ўтказилган тадбир «Менинг маҳаллам — менинг уйим» деб аталди.

Ўзига хос маросимда Муқимий ва Ойбек маҳаллаларида истиқомат қилаётган болалар саломлашиш одоби, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи, маҳаллалар тарихи, миллий қадриятларимизга доир саволларга жавоб изладилар. Шунингдек, мусиқа, рақс ва кўргазмали чиқишлар, деворий газеталар кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Тадбир болаларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, ота-она иззат-икромини ўрнига қўйишда муҳим аҳамият касб этди.

Абдунаби МАННОПОВ.

Янги китоблар

ЮРТИМИЗ БИР БЎЛАГИ

«Фан» нашриёти чоп этган «Олтиариқ тарихи» рисоласини варақлар эканмиз, унда Ўзбекистонимизнинг бир бўлаги бўлмиш ҳудуднинг бетакрор хусусиятлари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Китобда туман ҳаётининг тадрижий ривожланиши, юксалиш босқичлари,энг асосийси, ҳудуд одамларининг юрт довруғи, шуҳрати, унинг истиқлоли, истиқболи йўлидаги жасорати тиниқ бўёқларда ифодаланган.

Асарни мутолаа қилиб, Олтиариқнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётида юз берган ўзгаришлар шоҳиди бўламиз. Туманнинг бебаҳо бойлиги, деб таърифланган юрт улуғлари тўғрисидаги тарихий очерк ўзининг жозибадорлиги билан ўқувчи эътиборини тортади. Бу китобни олтиариқликларнинг меҳнат солномаси деб айтиш мумкин.

Асар моҳият-эътибори билан ёш авлодни ватанпарварлик анъаналарига садоқат, уларнинг меҳнат анъаналарини давом эттириш руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Ўйлаймизки, тарихшунос олим Маҳмуджон Содиқовнинг мазкур рисоласи ўқувчиларга манзур бўлади.

Анвар АБДУВАЛИЕВ, Улуғбек РАҲИМОВ, Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзолари.

Ҳукм ўқилди

БОСҚИНЧИГА ШАФҚАТ ЙЎҚ!

Ўзбекистон судлари, шу жумладан, Олий суд ўзларига юклатилган ваколат доирасида халқимизнинг тинчлиги, унинг барқарорлигини сақлаш йўлида хизмат қилиб келмоқда. Республикамиз судлари мустақил суд сифатида ҳали ёш. Унинг қўлида ўзининг мустақил давлати томонидан қабул қилинган адолатли, халқпарвар, инсон ҳуқуқларини биринчи ўринга қўйган Конституцияси ва қонунлари мавжуд. Албатта, ўтиш даврида жиноятнинг янги ўсишган гуруҳлари пайдо бўлиб, улар томонидан босқинчилик, талончилик, одам ўлдириш, товламачилик, номусга тажовуз қилиш каби ўта оғир жиноятлар содир этила бошландики, уларга қарши кураш, қонун кучидан тўла фойдаланишдан бошқа йўл йўқ.

Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг ташаббуси ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини қўллаб-қувватлагани туфайли ишда кескин бурилиш ясалди. Аввало, Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, Самарқанд шаҳрида макон қурган «номдор», жиноят оламида «шуҳрат қозонган» тўдаларнинг асосий қисми ушланди ва тергов қилиниб, судларга юборилди. Уларнинг жиноий ишлари судларда кўриши, ўлим жазосига ҳукм қилинганликлари оммавий ахборот воситалари орқали хабар қилинган.

Яқинда Сирдарё вилоят судидан Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида кўриш учун Шарофиддин Зокиров ва унинг жиноий гуруҳлари иши келди.

Ш. Зокиров 1939 йилда туғилган, оилали, беш нафар фарзанди бор. У тенгилар фарзандларини уйли-жойли қилиб, набираларининг бошини силаб, уларга одоб-ахлоқдан, тўғри юришдан панд-насиҳат қилиб, уйнинг тўрида ўтирибдилар. Зокиров-чи? Йўқ, у бу йўлдан бормади. Фарзандларига яхши одам бўл, эл-юртнинг корига яра, деб айтиш ўрнига ўзи бош бўлиб уларни жиноятга бошлади. Ўзгаларнинг мол-мулкини жиноий йўл билан эгаллаб олиш мақсадида уюшган, барқарор жиноий гуруҳ тузиб, унга ўзи раҳбарлик қилди. Гуруҳга ўғиллари — Шокир, Раҳимжонни ҳамда Облоберди Рўзиев, Қобил Орипов ва бошқаларни жалб қилади. Қатор йиллар давомида одамларни ўлдириб, молмулкини эгаллаб, ўта оғир жиноятлар содир этадилар.

Масалан, 1987 йилнинг 8 июлига ўтар кечаси жиноий гуруҳ аъзоси Илҳомжон Ҳамидов ва шахси аниқланмаган кимсалар билан Ш. Зокиров гаразли мақсадда, қуролланган ҳолда Наманган вилояти Поп туманида яшовчи Ирисбой Ботировнинг уйига бостириб кириб, ўта раҳмсизларча уни ва хотинининг бошига, бошқа жойларига темир монтировка билан уриб, иккаласини ўлдиришади. Сандиқнинг қулфини бузиб, 1211 сўмлик буюмларини олиб кетадилар.

Ш. Зокиров 1988 йилнинг 3 мартга ўтар кечаси Ҳамидов ва шахси аниқланмаган кимсалар билан қуролланган ҳолда Поп туманидаги Беруний номли жамоа хўжалигининг кассири ишчилар учун маош пулини олганини билиб, қоровул Акрамовни қасддан раҳмсизларча монтировка билан уриб, ўлдириб, 54700 сўм солиб қўйилган пўлат сандиқни Мадиевга тегишли «Урал» мотоциклига юклаб, уни ҳам олиб кетадилар.

Гуруҳ бошлиги 1991 йил 5 август куни ўғли Шокир, қизи Ҳафизалар билан соат 12ларда «Гулистон» автобус бекатида Облоберди Рўзиев, Ҳотам Қаюмов, Ҳамидовлар билан бир ўзи яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони Ҳамроевнинг уйига киришади. Ундан пул ва бошқа нарсалар талаб қилиб, ўлдириш билан қўрқитишади, 300 сўм берганда бу кам, яна топ деб унга дўқ уришади. Рўзиев, Қаюмовлар жабрдийданинг қўлларини қайириб, ваннахонага олиб кирадилар. Шунда Ш. Зокиров унга бир неча маротаба пичоқ уриб раҳмсизларча ўлдиради. Унинг уйидан 3965 сўмлик буюмларни олиб кетадилар.

Шокир Зокиров 1992 йил апрель ойининг тахминан 20ларида Қобил Орипов билан жиноий тил бириктириб иккинчи гуруҳ ногирони Шойбековни алдаб, Сирдарё тумани матлубот жамиятига қарашли бўрдоқичилик фермасининг икки бўш уйига олиб келишиб, раҳмсизларча ўлдириб, унинг 8000 сўм пулини, соатини олиб, жиноятни яшириш мақсадида жасадни кўмиб ташлайдилар.

Бу қуролли уюшган гуруҳ Шарофиддин бошчилигида Шокир Зокиров, Қобил Орипов, Раҳимжон Зокировларга Рўзиев Латиповдан 5000 сўм қарздорлигини, қарзидан қутулиш учун уни ўлдиришни, Латиповнинг ёнида пули кўплигини айтганида улар ўзаро келишиб, алдов йўли билан Латиповни 1993 йил 11 майида Шарофиддиннинг уйига олиб келишади. Ва Раҳимжон темир билан Латиповнинг бошига тўрт марта уради. У йиқилгач, Шарофиддин унга бир неча марта пичоқ суқади. Рўзиев, Орипов, Қаюмов ва Шокир, Раҳимжон Зокировлар ҳам қўлларидаги пичоқлар билан Латиповнинг баданларига қасддан раҳмсизларча пичоқ урадилар. Жабрдийданинг ҳали нимжонлигини билган Шарофиддин темир билан унинг бошига уриб ўлдиради. Марҳумнинг ёнидан чиққан 400 сўм пулни олиб, ўликни каналга ташлаб юборадилар.

Шарофиддин ўғиллари Шокир ва Раҳимжонлар билан жиноятларини яна давом эттиради. 1993 йил 27 июнь куни соат 20.30 ларда Гулистон шаҳридаги 14-дўконга киришиб, қоровул Қўшоқовдан вино топиб беришни талаб қиладилар. У рад жавобини бергач, Раҳимжон уни ўлдириш мақсадида «юр, сенда гап бор» деб, дўкон орқасига тортади. Шу ерда маст ҳолатда турган Шарофиддин унга ташланиб, Раҳимжон ёрдамида уни пичоқлайди. Қўшоқов ўз ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида қочади. Сўнгра акаси билан нима учун пичоқ уришганлигини Зокировлардан кеҳиб сўраганларида, Шарофиддин ўғли Раҳимжон билан ака-укаларни ўлдириш учун уларга ташланадилар. Ака-укаларнинг бири оёғидан, бири кўкрагидан яраланиб, қочиб қутилади.

Шарофиддин ва у тузган жиноий гуруҳ ўзларининг жиноий фаолияти орқасида жуда кўп хонадонларга мусибат, қайғу олиб келади. Улар 10 кишининг жонига қасд қилиб, 7 кишининг умрини ҳазон этадилар. Бундан ташқари, бир неча ўғриликлар содир этишади. Мақсадлари эса ўзгалар мулки эвазига кайф-сафо қилиб яшаш эди.

Кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек бу жиноий тўда қилмишлари фош бўлди. Қора курсига ўтириб, қилмишлари учун жавоб бердилар.

Сирдарё вилоят суди жиноий тўданинг ишини ҳар тарафлама ўрганиб чиқди, Шарофиддин Зокиров ва унинг ўғиллари: Шокир, Раҳимжон Зокиров ҳамда Қобил Орипов, Облоберди Рўзиевларни айбдор деб топди ва уларга ўлим жазосини тайинлаш ҳақида ҳукм чиқарди.

Шарофиддин Зокиров ва унинг ўғиллари ҳамда жиноий гуруҳнинг номлари юқорида қайд қилинган аъзолари Олий судга кассация шикояти билан мурожаат қилиб, ўзларини сутдек оқ, мусичадек беозор қилиб, жазони енгиллатишни сўраганлар. Лекин дастлабки тергов ва суд ҳужжатлари, далиллар уларнинг жиноий қилмишини очиқ-ойдин тасдиқлаб турар эди.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ишни ўрганиб чиқиб, Сирдарё вилоят суди томонидан тайинланган жазони ўзгаришсиз қолдирди. Шикоятларни эса рад этди.

Жиноий гуруҳнинг яна бир аъзоси Ҳотам Қаюмов 1995 йилда вафот этганлиги учун унинг иши ҳаракатдан ётқизилди.

Экканингни ўрасан деганлари шудир.

Рустам АКБАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси.

БУТУНДИР, ТУРКИСТОН, БУТУНДИР!

«ШАРҚ ЖИЛОЛАРИ»

• Ўзбекистон давлат санъати музейида «Шарқ жилолари» деб номланган кўргазма очилди. Кўргазмада машҳур санъаткорлар билан бир қаторда ёш истеъдодли рассомлар мўйқаламига мансуб асарлар ҳам намойиш этилмоқда. Бу ерда Тожикистон ва Қирғизистон рассомларининг асарлари ҳам ўрин олган.

Суратларнинг умумий мавзуси Шарқ жилоларига бағишлангани учун ҳам кўргазма шундай деб номланган. Суратлар ўлкамиз табиатига мос байрамона бўёқларда жилоланади. Қадимий жануб афсоналари акс этган асарлар, сир-асрорларга тўла табиат манзаралари — ўз дунёқарашини мўйқалам ва бўёқ ёрдамида ифодалаган рассомларнинг меҳнати самарасидир. Суратлар шакл ва мавзу жиҳатидан турлича бўлса-да, уларнинг барчаси тинчлик, меҳр-муҳаббат, ҳаёт иштиёқи, табиат ва инсоннинг бир-бирига уйғунлиги ғояларини илгари суради.

Кўргазма бир ярим ой мобайнида намойиш этилади.

МАЪНАВИЙ БОЙЛИККА ЭЪТИБОР

• Иордания Ҳошимийлар мамлакатининг Мафраг шаҳридаги Ал Албайт университетида «Марказий Осиё, Шарқий ва Марказий Европа Ислом санъати омиллари» мавзуида халқаро семинар бўлди. Унда жаҳоннинг йигирмадан ортиқ мамлакати, жумладан, Ўзбекистон олимлари ҳам қатнашди. Анжуманда мусиқа санъати, халқ ҳунармандлиги ва меъморликнинг ҳозирги аҳволи тўғрисида маърузалар тингланди. Айниқса, меъморий обидалар тақдири кўпчиликнинг эътиборида бўлди. Жумладан, маърузачилар Марказий Осиё мамлакатларидаги қадимий обидаларнинг бугунги аҳволи ва келажаги билан боғлиқ муаммоларни муҳокама этиб, уларни сақлаб қолиш, замонавий технология асосида таъмирлаш борасида таклифлар айтишди.

Анжуманда Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий тадқиқот институти директори, профессор Т. Ғофурбеков, меъморлар уюшмасининг Президенти Ф. Ашрафий, Ўзбекистон меъморий ёдгорликларни таъмирлаш илмий тадқиқот лойиҳа институти директори Р. Асомов каби Ўзбекистон олимларининг ҳам маърузалари тингланди.

КИЧИК ИШБИЛАРМОНЛИККА ЭЪТИБОР

Тожикистон Республикаси Президенти кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида фармон чиқарди. Фармонга мувофиқ, Тожикистон Республикаси ҳукумати ва жойлардаги ижроия органлари махсус дастур бўйича кичик бизнесни ривожлантиради. Жумладан, республика ва маҳаллий даражада кичик бизнес учун инфраструктура яратилади. Бу ишга аҳолининг ижтимоий кам ҳимояланган табақалари жалб қилинади. Шунингдек, қурилиши тамомланмаган обьектлар, зарар келтирадиган корхоналар кичик бизнес вакилларига сотилади.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Муносабат

ТАБИАТ ҲИСОБ СЎРАЙДИ

Макка ва Мадинадан яқинда келган меҳмонлар Тошкентнинг муҳташам бинолари, гўзал хиёбонлари, боғ-роғларию, анҳорларини кўриб: «О, жаннатдек шаҳар экан-у! — деб ҳайратларини яшира олмадилар. — Оёқларинг остида шарқираб сув оқиб турса, хиёбонларга боғлар уланиб кетса, бундай шаҳарнинг жазирамасида ҳам толиқиш нималигини билмаса керак одам!»

Шунда юртбошимизнинг «Биз Тошкентнинг аввалги улуғворлигини шунчаки қайта тиклаб қолмай, уни янада оширишимиз керак» деган сўзлари ёдимга тушди.

Анҳор, Қорасув, Чирчиқ, Қорақамиш ва бошқа сув ўзанлари кўз олдимда бир-бир намоён бўлди.

Бешёғочдаги Бўржар канали устида бағоят салобатли янги кўприк қад кўтаргани, шаҳарнинг Фарҳод, Чорсу, Олой, Бешёғоч, Қўйлиқ ва бошқа бозорлари такрорланмас чирой очгани, шарқона услубдаги ҳар бир бекат кўзларни қувонтиргани, асрий Чақар, Себзор ва бошқа маҳаллалар атрофида осмонўпар оқ бинолар, коттежлар барпо этилгани, шаҳар белбоғи — янги шоҳ кўчалари, Алишер Навоий Миллий боғи ёнида, Ўзбекистон кўчасида янги улкан сув ҳавзалари дилларни қувнатгани, қўйингчи, қаёққа боқманг, Мустақиллигимиз шарофати-ла кўпдан-кўп ўсиш-ўзгаришларни, ҳар қадамда бир янгиликни илғайсиз! Кўнглингизда шу юрт, шу элдан, жонкуяр юртбошимиздан фахр туйғуси жўш уради.

Ҳозир шаҳар экологияси ҳақида ёзмаётган рўзнома, жарида йўқ ҳисоби. Бирида ҳайрат, бирида: «Қаёққа қараяпмиз ўзи?» қабилидаги саволлар. Аммо катта шаҳар экологиясининг илдиз-илдизига кириш осон эмас, тўғри. Бироқ кўпдан бери бир ўй сира тинчлик бермай келяпти. Шуни газетхонлар билан баҳам кўрсам. Аввалари бир киши (ёки ташкилот) ўйламай-нетмай бирон қарор қабул қиларди-да, бунинг жабрини кейин бошқалар, ҳатто бутун авлод тортгани-тортган эди. Экология масаласида ҳам худди шундай бўлди. Гап ҳозир кескин қораланаётган ўша маъмурий-буйруқбозлик усулининг экологияга касофати ҳақида бораётганини сезгандирсиз.

Тошкент шаҳри ҳам унинг «жабру-жафоси»дан четда қолмади. Ҳозир шаҳарда нима кўп, саноат корхонаси кўп. Йирик корхоналар ичида яна қанчаданқанча қуюв цехлари мавжуд. Улар тағин қаерда денг? Шаҳарнинг қоқ ўртасида, Улар зарарли ҳисобланади: инсон соғлиғи ва атроф-муҳитга таъсир этади. Ҳозир шаҳар экологияси ҳақида қанча куйиб-пишмайлик, жон куйдирмайлик, кўп гапларимиз барибир қоғозда қолиб кетяпти, уларни амалга ошириш эса тоғни ағдариш билан тенглашиб қолмоқда.

Кўпгина мутахассислар, шу соҳанинг билимдонлари билан суҳбатда улар ҳатто собиқ СССР пайтида Тошкентга ўхшаш шаҳарларда унинг об-ҳавоси ва табиатини бузувчи айрим корхоналарни қурмаслик ҳақида қарор қабул қилинганини эслашди. Лекин шунга қарамай, «ташаббус кўрсатиб», қаторасига таркибида қуюв цехи мавжуд «Ташсельмаш»ми, трактор, мотор ишлаб чиқарадиган корхонами шаҳарнинг қоқ ўртасига олиб келиб қуришганига нима дейсиз? Қурилган нарсани энди кўчириб кўринг-чи. Худди бир пайтлар ўн минглаб талабаларни «Вузгородок»ка жойлаштирган каби!

Бу-ку ўтмишга тааллуқли гаплар.

Чирчиқ дарёси аввалари тўлиб-тошиб оқарди. Ундан таралиб кетган ирмоқларни айтмайсизми! Не-не кўприкларни, қирғоқларни асов дарё бузиб кетганини ўз кўзларимиз билан кўрганмиз. Энди-чи? Бечора Чирчиқ дарёси ўз ҳолига йиғлайвериб Орол сингари кўз ёшлари қуриб бораётганга ўхшайди! Ҳеч дарё ўртасида завод қад кўтарганини кўрганмисиз? Йўғ-е, қўйинг, бу мўъжиза-ку, дейишингиз мумкин. Чирчиқ дарёсининг Қўйлиқ кўпригидан чап томонга бурилсангиз, унинг бир қирғоғидан мотор заводининг биринчи навбати корпуслари дарёни сиқиб қўйганини, иккинчи қирғоғида унинг қолган-қутган сувлари сари ўрмалаб яна навбати билан қўш корхоналар «қад ростлаётганини» кўрасиз. Албатта, биз шаҳарда йирик заводлар қурилишига асло қарши эмасмиз, бу халқ хўжалиги, келажак учун жуда зарур, аммо... Қош қўяман деб, кўз чиқариш ҳам керак эмас-да...

Бу заводларда ҳозир зарарли моддаларни тутиб қоладиган замонавий мосламалар мавжуд. Бу борада ташвишланишнинг ҳожати йўқ, дегувчилар ҳам топилар. Тўғри, бундай мосламалар йўқ эмас, бор. Аммо барча корхоналарда ҳам улар тўла ишлаяпти, зарарли моддаларни тўла тутиб қоляпти, дейиш қийин.

Ҳар йили шаҳар атроф-муҳитни муҳофаза этишга минг-минглаб сўм ажратилади. Қурилиш-монтаж ишларига, асосан эса сув ресурсларини муҳофаза этишга қаратилади. Майли, сув — ҳаёт-мамот. Унга қанча маблағ сарфласак оз, сувимиз мусаффо бўлмоғи керак. Аммо... хонадонлар у ёқда турсин, шундай корхоналар борки, улар ўз ифлос оқаваларини ўйламай-нетмай не-не азобда тозалаётган каналларимизга оқизишган. Масалан, «Ўзбеккабель» бирлашмаси Салор каналига ёки 3-йирик панелли уйсозлик комбинати таркибида нефть маҳсулотлари қуйқаси бўлган оқавасини Қорақамиш каналига, яна бошқа корхоналар оқавани Қорасув каналига оқизиб келганига ўн йиллардан ошиб кетган.

Шу кеча-кундузда масъулиятни ўн чандон ошириш зарур бўлган бир паллада бу нарсанинг муҳимлигини худди мактаб партасида ўтирган ўқувчига тушунтиргандек, уқтириш шартмикан!

Кейинги пайтда сув ҳақидаги қонунларни бузувчиларга нисбатан қўлланилаётган кескин чоралар туфайли зарарли оқавалар ўз вақтида ушлаб қолинди, кўплаб кишилар маъмурий жазога тортилди, жарима ундириб олинди.

Бу шаҳарда сувни корхоналар «касри»дан тоза сақлаш бўйича қилинган саъй-ҳаракатдан бир шингил.

Хўш, шаҳримиз ҳавоси қанақа дерсиз? Асти қўяверинг! Тошкент аэропорти атрофида яшаётган аҳоли аҳволини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Ҳавони ифлослантираётган биргина аэропорт эмас, албатта. Ўтган даврда шаҳардаги корхона ва муассасалар «жўр бўлишиб», ҳавога ҳазилакам зарарли моддалар «отишдими», яъни улардан чиқаётган ҳар хил газ ва суюқликлар мусаффо ҳавомизда нафас олишни оғирлаштираётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг устига ахлатхоналар... Заҳарли тутун бурқситаётган машиналар...

Ҳар нарсанинг ўз чегараси, меъёри, бор. Корхоналарнинг раҳбарлари: «Бизга ҳаво тозалагич, ҳавони муҳофаза этиш тадбирлари учун ҳозирги иқтисодий шароитда маблағ, материаллар етишмаса, нима қилайлик?» дейишлари мумкин. Бу гапда жон бор.

Қисқаси, пойтахтимизда экологик аҳвол аввалгидек нохуш таассурот қолдиради кишида! Бунга кўкламзорлаштиришдаги кўзбўямачилик ва лоқайдликни ҳали қўшганимиз йўқ. Ҳозирча фақат шуни таассуф билан айтамизки, Тошкент шаҳрини ривожлантириш режасида кўзда тутилганидан ҳамиша икки марта кам дов-дарахтлар ўтқазиб келинган. Уларни сақлаб қолиш, кўкартириш-ку алоҳида бир мавзу. Кимдир ҳазиллашиб айтганди: агар қоғозда ўтқазилган кўчатларнинг ҳаммаси кўкарса, Тошкент ўрмонзор бўлиб кетарди! Шу ўринда биргина мисол билан чекланмоқчимиз. «Халқлар дўстлиги» шоҳкўчасининг бошланишида «Чақар» олдида туппа-тузук кўкариб турган кўплаб кўчатлар бирдан... бу ерда 35 қаватли меҳмонхона қурилиши бошланади деб ер билан яксон қилиб ташланди. Меҳмонхона ўрнида ҳозир ҳақиқий ахлатхона. Фарқи бетон девор билан ўралганига ўн йилдан ошди! Афсуски, бу билан ҳеч кимнинг иши бўлмаяпти. Бундай «манзара»ни шаҳарнинг бошқа кўпгина жойларида, айниқса катта кўчалар «ичкариси»даги маҳаллаларда учратиш мумкин.

Шаҳарда-ку юртбошимиз ташаббуси билан кўз қувнаб, енгил нафас оладиган хиёбонлар (аввалги Гагарин боғи, зобитлар уйи, Марказий хиёбон ва Анҳор қирғоқларида) ажойиб кўкламзорлар ташкил этилди...

Насиб этса, бу иш яна изчил давом этади. Бунга шак-шубҳамиз йўқ. Тошкентни экологик энг тоза, жаҳоннинг гўзал шаҳарларидан бирига айлантириш ҳаракатини фақат табриклаш керак. Токи, Тошкентдан бир сув ичган чумчуқ Маккатиллодан ҳам қайтиб келадиган бўлсин. Фақат истагимиз бу хайрли ишга ҳамма бир ёқадан бош чиқариб бирдек жон куйдирса, деймиз. Ахир, Тошкент — юртимиз гавҳари. Табиати қанча мусаффо ва равшан бўлса, сайёҳу меҳмонларгина эмас, ўзимиз ҳам дилдан қувонамиз.

Ҳамид ИКРОМОВ.



Спорт

ФУТБОЛ

МАҒЛУБИЯТГА УЧРАДИ

• Маълумки, мухлислар миллий футбол терма жамоамизнинг Тожикистон сафарига катта умид боғлашган эди.

Боиси, футболчиларимиз билан Баҳрайн терма жамоаси ўртасида ўтказилиши лозим бўлган учрашувни қолдирилиши айни муддао бўлганди. Албатта, ишқибозлар Баҳрайн томони Тожикистондаги беқарорлик туфайли Осиё кубоги учун баҳсда қатнашишдан воз кечганини яхши биладилар. Терма жамоамиз эса бош устоз Баҳодир Иброҳимов бошчилигида Тожикистонга йўл олганди. Афсуски, учрашувда футболчиларимизнинг омадлари юришмай, дарвозадан тўртта жавобсиз тўп ўтказиб юбордилар. Энди, 19 июнь куни бўладиган такрорий учрашувга умид боғласа бўлармикан?

ТАНАФФУСДАН СЎНГ

• Олий лига футбол жамоалари қисқа танаффусдан кейин мамлакат чемпионатининг тўртинчи тур ўйинларини ўтказишди.

Кеча МҲСК— «Пахтакор» ва «Атласчи» — «Дўстлик» жамоаларининг учрашувларидан кейин навбатдаги турга якун ясалди. Бўлиб ўтган учрашувларда эса навбаҳорчилар «Машъал» майдонида ғалаба (3:0) қозониб, очколарини 10 тага етказишди. «Нефтчи» эса «Наврўз»ни қабул қилиб (3:1), 9 очкоча эга. «Нурафшон» ҳисобида ҳам шунча очко бор. Бу жамоа Урганч динамочиларини 5:0 ҳисобида ютди. Қолган ўйинлар қуйидагича тугади: «Динамо» (С) — «Сўғдиёна» —2:1, «Трактор» — АСК — 4:0, «Янгиер» — «Косонсой»—1:1.

МАЙДОНГА ТУШГАН МАНГЛАЙ ҚАШИМАС

Қумқўрғон туман ҳокимлиги спорт билан ҳар куни бир ярим соат шуғулланмоқда.

Албатта, ҳокимликнинг одамлари икки томон бўлиб волейбол ё футбол ўйнашаётгани йўқ. Балки ташкилотчилик қилишяпти. Бундан 15 йил бурун қурилган ва шу вақт мобайнида беш олти марта «балансдан-балансга» ўтгани билан обод бўлмаган марказий ўйингоҳ бу гал эгарланган отдай қилиб таъмирланди. Футбол, волейбол, баскетбол майдончаларига дид билан ишлов берилди. Теннис корти қурилиши бошланди.

Вилоятнинг донгдор шахматчиси Ҳайит Хўжамқулов хотира турнири ҳар йили намунали ўтказиб келинаётганига кўп тўхтаб ўтирмаймиз. Бу гапга қўшимча қилиб шуни айтамизки, шу йилдан бошлаб волейбол бўйича Меҳнат Қаҳрамони Маматмурод Хўжамқулов хотирасига бағишланган мусобақа ҳам ташкил этилди. Унда 16 та жамоа қатнашди. Беллашувлар мухлислару спортчилар учун байрамга айланди. Тошкент автомобиль йўллари институтининг Қумқўрғондаги 2-лицейи жамоаси М. Хўжамқулов хотира турнирининг биринчи ғолиби бўлди.

— Ҳаммасидан кўра футболга қизиқиш катта, — дейди туман ҳокими А. Мавлонов. — Хўжаликлараро футбол мусобақаларини ўтказиш режалаштирилди. Марказий ўйингоҳимизни хўжакўрсинга тайёрлаганимиз йўқ. «Қумқўрғон» деган футбол жамоамизнинг республика миқёсидаги беллашувларда ғолиб бўлишига ишончимиз комил.

Дарвоқе, ҳокимлик яна бир ишга қўл урриб, Қумқўрғон шаҳар маҳаллалари ўртасида спорт турлари бўйича мусобақаларни ўтказишга бош-қош бўлмоқда.

У. ОЛИМОВ.

Лукма

БОЗОРМИ, ОЗОРМИ?..

Бозорлари гавжум тўкин-сочин бўлган юрт бадавлатдир. Буни мустақил республикамиз мисолида кўриш мумкин. Довруғи жаҳонга кетган юртимиз бозорларида «анқонинг уруғи»дан тортиб, «қушнинг сути»гача топиш мумкин. Аммо гуруч курмаксиз, гўшт суяксиз бўлмаганидек, жойлардаги айрим бозорлар бугунги кунда дилрўшнолик эмас, аксинча кўнгил хиралик масканига айланиб қолмоқда. Бунга мисол қилиб Навоий вилояти ва шаҳри марказий бозорини кўрсатиш мумкин. Тўғри, кейинги икки йил мобайнида бу бозорда қатор ишлар қилинди. Янги савдо расталари, майдонлари, тижорат дўконлари қурилиб, ишга туширилди. Бозорни кенгайтиришга эътибор берилди. Афсуски, бозордаги тартиб-интизом, шарт-шароит масаласига келсак, ҳафсалангиз пир бўлади. Айниқса, ҳақиқий деҳқонни чув тушуриб, қўйнини пуч ёнғоққа тўлдираётган олибсотарлар, бирдан ўнни уриб қолаётган паттачиларни айтмайсизми? Худди шу ва шунга ўхшаш камчиликлар боис яқинда Навоий шаҳри давлат солиқ инспекцияси ва ички ишлар ходимлари ҳамкорлигида бозорда қўшма рейд ўтказилди. Рейд давомида қатор қаллобликлар, кўзбўямачиликлар очиб ташланди.

— Бозорга кириб ҳузур - ҳаловат олмайсиз, балки озор чекасиз, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси М. Жумаев. — Ҳар куни ўн, юз минглаб фуқаролар ташриф буюрадиган, ҳожатини чиқарадиган деҳқон бозори ғавғонинг, ғалванинг уяси. Бозорда текинга тайёр товламачилар, олибсотарлардан тортиб чўнтаккесарларгача учратиш мумкин. Айниқса, шанба ва якшанба кунлари киссавурларнинг, олибсотару - жаллобларнинг ошиғи янада олчи...

Ҳа, меҳнат фахрийси, нафақахўр бир фуқаронинг куйиб-пишганича бор. Бозор — бозор эмас, озор бўлгани учун савдо ярмаркасига, марказий бозорга у-бу нарсалар харид қилиш ниятида келган навбаҳорлик, қизилтепалик, карманалик фуқаролар бир пасда ҳамёнидан айрилиб қолишмоқда. Олғир киссавурлар айрим ҳолларда фуқароларнинг паспорт ва гувоҳномаларини, керакли ҳужжатларини ҳам ўғирлаб кетишяпти. Ахир, буни қандай тушуниш мумкин?!

Ҳалоллик билан пул топаётган меҳнаткаш деҳқон, оддий фуқаролар бозордан асло ўксимасин! Бозор ахир, бу —элнинг иккинчи уйи-ку.

Шундай экан, Навоий вилояти ва Навоий шаҳри ҳокимликлари ҳамда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мутасадди раҳбарларига қуйидаги эътирозимиз бор: бозорлар озорларга эмас, аксинча чинакам деҳқон бозорига қачон айланади?

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ХАРТИЯНИ ИМЗОЛАШ УЧУН

• МАКЕДОНИЯ давлати раҳбари Киро Глигоров янги Европа учун Париж хартиясини имзолаш учун Францияга ташриф буюрди. Франция Президенти Жак Ширак Македония Президенти билан учрашув чоғида ушбу ҳужжат Македониянинг Европа Иттифоқига ассоциация йўли билан аъзо бўлиб кириши учун муҳим аҳамиятга эга бўлажагини айтиб, Европа Иттифоқи ва собиқ Югославия Республикаси — Македония ўртасида имзоланиши кутилаётган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимга ижобий муносабат билдирди.

К. Глигоров бу ерда журналистлар билан учрашувда Македониянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиши собиқ Югославиянинг бошқа республикалари билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳудудий ҳамкорлик учун қулайлик яратажагини таъкидлади. Шунингдек, у Франция Президенти Македонияга расмий ташриф буюришга розилик берганини ҳам маълум қилди. Бу Европа Иттифоқига аъзо давлат раҳбарининг собиқ Югославия Республикаси — Македонияга илк расмий ташрифи бўлади.

АНЖУМАН ЯКУНЛАНДИ

• САН-ХОСЕДА (Коста-Рика) қуёш энергияси муаммолари ва тикланадиган энергия манбаларини қидириш бўйича Лотин Америкаси анжумани якунланди.

Анжуман иштирокчилари энергия манбасининг тикланадиган турларидан фойдаланиш лойиҳаларини молиявий ҳимоялаш учун Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларининг махсус жамғармасини ташкил этишга келишиб олдилар.

Шунингдек, анжуманда иштирок этган Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасидаги 20 мамлакат вакиллари янги энергия манбаларини қидириш бўйича 2005 йилгача мўлжалланган ҳудудий ҳаракат режасини қабул қилдилар.

Ушбу анжуманда қабул қилинган «Сан-Хосе декларацияси»да энергиянинг муқобил манбаи сифатида тикланадиган энергия хом ашёларини топиш муҳимлиги таъкидланади.

ЭСТОНИЯГА ТАШРИФ

• УКРАИНА Бош вазири Евгений Марчук Эстонияга расмий ташриф буюрди, деб хабар беради Эстония Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати.

Ташриф давомида Украина Бош вазири Эстония Республикаси Президенти Леннарт Мери билан учрашди.

Е. Марчук ушбу ташрифи давомида Украина ва Эстония ўртасида икки томонлама солиқ солмаслик ва кам сонли миллат вакиллари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича шартномаларни имзолайди. Шунингдек, у Таллинда «Тадбиркорлик — 96» номли халқаро ярмарканинг очилиш маросимида иштирок этади.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

Вашингтон

ҚЎЙ ЮРАКЛИ ОДАМ

«ҚУЁН ЮРАК» одамларни биласиз. Мен ҳам. Табиатан бўш иродали, қўрқоқ одамлар. Лекин қўй юраклисини-чи? Гофф «қўй юрак» экан!

Сиэтллик Эндрю Гофф юрак хасталигидан азоб чекарди. Шунданми, хитойлик кардиолог Яо Хсиюнгнинг ғайриоддий операция — қўй юрагини «ўтказиш» ҳақидаги таклифига ҳеч иккиланмай розилик берди. Бу операция ҳатто дунёга машҳур доктор Кристиан Бернарднинг 1967 йилдаги «юрак кўчириш» операциясидан ҳам анча олдин рўй берганди. Ўз вақтида наинки жаҳон жамоатчилиги, балки мутахассислар учун ҳам катта шов-шувларга сабаб бўлган бу операция 1952 йилнинг 6 июлида бўлганди. Лекин ҳамма: «Бир неча минутгина яшаши мумкин» дея иккиланган воқеага ҳам 43 йилдан ошди. Гофф эса тирик, бардам-бақувват!

Яо Хсиюнг эса бу шов-шувларга камтаргина: «Қадимий шарқ тиббиёти анъаналарига таяндим», — дея изоҳлаганди.

Табиатнинг мўъжизалари кўп. Орамизда «қўй юракли» инсонлар ҳам бўлиши шулардан бири-да.

Норвегия

ТЎРТ СОАТ «СУКУТ» САҚЛАБДИ

БЕРГЕНДА яшовчи 51 ёшли Йен Рефсдаалнинг юраги эса бошқачароқ «ҳунар» кўрсатди. Ўзининг мўъжазгина қайиғида сузаётган Рефсдаал моторнинг қаттиқ силкинишидан муздек сувга шалоплаб тушди. Беш соатлар чамаси сувда қирғоқдаги бутага маҳкам ёпишиб турди. Мутахассисларнинг хулосасича, унинг тана ҳарорати ўша пайтда 30 градусгача тушиб кетган экан. Қирғоқдагилар тасодифан уни кўриб қолишди. Уни зудлик билан шифохонага элтишди. Беморни мутахассислар дарҳол операция қилиш кераклигини таъкидлашди.

Биласизми, «Гиннеснинг рекордлар китоби»га кирган юрак ҳам 3 соату 40 минут «ухлаган»лиги қайд этилган.

«Осмонда, худди барқут булутлар устида учиб юргандек бўлдим. «Танам»ни тарк этиб кўкка кўтарилдим. Арши-аълода туриб «мени» операция қилаётганликларини кўриб турдим. «Танам»нинг ҳароратини кўтариш учун қон қуюшди... Мен «ўлиб» кўрдим. Лекин ҳаммасини «ҳис қилиб», «кўриб» турдим. Фақат уларнинг ишига аралашишга, гап қўшишга «мажолим» йўқдек, гаплашолмадим... холос». Рефсдаал шундай изоҳ беради бу «ўйқу»га.

Тўрт соатлик «сукут»дан сўнг юраги яна ура бошлади.

Докторлар Рефсдаалнинг ҳаётини сақлаб қолишди. Уни ҳозир бекорга «оёқда юрган, «нариги дунё»дан келган афсунгар» дейишмайди-да.

ҲАМКАСБИМИЗ ХОТИРАСИ

Узбек журналистикаси тарихида фельетон жанри ривожига муносиб ҳисса қўшган тажрибали журналист Усмон Юсупов умрининг олтмиш еттинчи ёшида оламдан ўтди. Ҳаётимизда учраб турувчи нуқсон ва муаммолар ечими ҳақида унинг сунгги мақолалари ниҳоясига етмай қоғозда қолиб кетди...

Усмон Юсупов 1930 йилда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топди. Тошкент давлат педагогика институтини битиргандан сўнг меҳнат фаолиятини пойтахт вилоятидаги туманларда ўқитувчиликдан бошлади. 1966 йилда «Тошкент оқшоми» газетаси ташкил топганда Усмон Юсупов мазкур даврий нашрнинг кўзга кўринган ходимларидан бири эди. Унинг ижоди гуллаган давр «Ўзбекистон овози» (собиқ «Совет Узбекистони»)да ишлаган йилларга тўғри келди. Газета саҳифаларида Усмон Юсупов имзоси билан чоп этилган фельетонлар катта шов-шувларга сабаб бўлди, моҳир журналист кўтариб чиққан масалалар республика миқёсидаги анжуман ва йиғинларда муҳокама қилингани кўпчиликнинг ёдида.

Усмон ака нафақа ёшига етгач, қарилик гаштини сурриши мумкин эди. Лекин тиниб-тинчимас журналист уйда утиролмади. У кейинги йилларда Узбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Ҳаёт ва қонун» журнали таҳририятида фаолият кўрсатиб келди.

Истеъдодли ижодкор, оқибатли дўст, меҳрибон ўртоғимиз хотираси унинг ёру биродарлари, қадрдонлари қалбида мангу яшайди.

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси.

ҲАҚ-АДОЛАТ ПОСБОНЛАРИМИЗ

Шеър ҳар кўнгилда яшайди. Шеър ўқимайдиган, уни соғинмайдиган одам топилмаса керак. Кўпчилик қувончли ва ташвишли онларида қалам билан дўст тутинади. Тинчлик ва осойишталигимизнинг ишончли посбонлари орасида ҳам бундайлар оз эмас. Ўз вазифасини сидқидилдан адо этиш билан бирга бадиий ижодни ўз қалбининг ҳамрози деб билган посбон-шоирларимиз ижодидан намуналар эълон қилаётирмиз. Бундай сатрлар фақат эзгу қалбда туғилади.

Ўткир ЖЎРАЕВ — *милиция подполковниги. ТошДУ ҳуқуқшунослик факультетини тугатган. Ҳозир республика Ички ишлар вазирлиги шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари вазифасида хизмат қилади.*

ВАТАНДИР БУ, ВАТАНДИР

Ҳар гиёҳи жону дилнинг малҳами,
Тупроғи зар, ҳаволари нашъали.
Она-юртим эрур шарқнинг машъали,
Ватандир бу, Ватандир бу — Ватандир!

Чўлларида гулистонлар яралган,
Шамолида хушбўй ҳидлар таралган,
Илму ҳикмат бешиги бўб қололган,
Ватандир бу, Ватандир бу — Ватандир!

Туркистоним, Бухором ҳам Туроним,
Хоразиму, Сўғдиёна, Кушоним,
Шошу Кешу — Шаҳрисабз, Ҳўқоним!
Ватандир бу, Ватандир бу — Ватандир!

Нақшбанд, ал Бухорий, ат-Термизий,
Ал-Хоразмий, ал-Беруний, Яссавий,
Даҳолари оламни лол қолдирган,
Ватандир бу, Ватандир бу — Ватандир!

ТЎРТЛИКЛАР

Дунёга келганлар, кетарин ўйланг,
Кўнгилни оғритмай бўларин сўйланг,
Оллоҳ даргоҳида яширин не бор?
Уволу савоб не, тегарин ўйланг!

***

Ҳол сўраб дардини олинг кимсани,
Кўнгил чироғини ёқинг сиз ани.
Ғўдайиб осмонни кўзлаганлар кўп,
Лекин унга устун бўлганлар қани?

***

Мансаб, пулинг бўлса «дўстларинг» кўпдир,
Мадҳингни улуғлаб «ўзида йўқдир».
Омад кетса агар сендан, биларсан,
Бир боқсанг, дўстингдан душманинг кўпдир.

Марк КЕРЖНЕР — *ички хизмат полковниги. Ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент. Ички ишлар вазирлиги академияси адъюнктура (аспирантура)си бошлиғи. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.*

БАХТЛИ БЎЛМОҚ ШАРТДИР БАРЧАГА

Хўб ажойиб, покиза сўзлар:
Эркинлик, Истиқлол, Қардошлик.
Абадийлик муждасин кўзлар
Ҳумо берган чин ватандошлик.

Ўзбекистон бетакрор диёр,
Тиёншондан Оролга қадар.
Фарғонадек водий қайда бор,
Олтинга кон кенглик, саҳролар!

Қуёш, пахта, узумлар юрти,
Тезоқар дарёлар, сахий далалар.
Анвойи лолалар дил тортар қути,
Бахтдан таралади яллалар.

Халос бўлиб кишандан дадил
Меҳнат билан топганмиз нажот
Сен жанжалда ёт қидирмагил,
Яратмоқдир инсоний бисот.

... Ўзбекмасман, лекин бу ўлка,
Сино, Навоийни туққан юрт.
Ўргатмишдир тилимни шеърга,
Фарзандим деб бериб нону сут.

***

Тошкент узра булут кемаси,
Парвози-ла қолдиради из.
Гўё янги ёзув-номаси,
Ўзгаларга асло тизгинсиз.

Уйғоқ дала шабадалари,
Музлаган қалбни ҳам эритар.
Қизлар! Жаннат шўх парилари,
Ишвалари қалбни яйратар.

Ўйинқароқ март деразанинг
Кумушранг қатидан боқмоқда.
Баҳор! Ёмғир, дўл овозининг
Садоси-ла тонглар отмоқда.

(Салом КАРИМ таржималари).

Дилобар ЖЎРАЕВА — *Юнусобод тумани ИИБда хизмат қилади. Ғазаллари мусиқийлиги ва равонлиги билан ажралиб туради.*

***

Кел, ёнима ўлтиргин ёр, ўлтир, гап борга ўхшайди,
Бу тилсим оламда йўқ ҳам гўёки борга ўхшайди.

Кўрган куним ёмон эмас, кун кечирмоқ осон эмас,
Ўткир суҳбатдошга бу кун кўнгил хуморга ўхшайди.

Ёшлик баҳорга ўхшайди, ғунча гул ёрга ўхшайди,
Яна келиб, яна кетиб бари бекорга ўхшайди.

Тилло деган баҳодирнинг куч-кудрати дунёга тенг,
Ташлаб кетмоғидан айтинг, бевафо ёрга ўхшайди.

Мансаб деган бир айёр бор, у деб ҳар нега тайёр,
Мансабга еттунча одам лайчадек хорга ўхшайди.

Ҳукмронлик жуда ёвуз, ақлга этар тажовуз,
Ҳукмдорлик қилган шоввоз қўллари дорга ўхшайди.

Бола ёлғон сўзламайди, бола ёмон кўзламайди,
Лек чаён чаёнга, бир кун мор эса морга ўхшайди.

Мувозанатдадур жаҳон, бир яхшига битта ёмон,
Демакки, бу дунё омон яхшилар борга ўхшайди.

Беайб бир парвардигор, қўй, гапирма десангчи ёр,
Дилобар қайдин билибди кўнгил кўп торга ўхшайди.

Абдурашит ШОДИЕВ — *милиция подполковниги. ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. 1971 йилдан буён ички ишлар идораларида хизмат қилиб келади.*

ВАТАНДАН ҚЎЙМА

Ватансиз киши,
Жаннатсиз киши,
Чумолига ҳам,
Тушмасин иши,
Оллоҳим ўзинг,
Ватандан қўйма.

Митти чумоли,
Суюб Ватанни,
Ишлаб тинмайди,
Букмай пок танни,
Оллоҳим ўзинг,
Ватандан қўйма.

Ватан жонимда,
Сўз, достонимда
Ер, осмонимда,
Ҳам имонимда,
Оллоҳим ўзинг,
Ватандан қўйма.

Ватаним чорбоғ,
Дўстларим ҳамроҳ,
Ағёрдан э, воҳ,
Сақлагин Оллоҳ,
Оллоҳим ўзинг,
Ватандан қўйма.

Очликка чидай,
Тўқликка бирдай,
Ватаним гулдай,
Бағрида яшай,
Оллоҳим ўзинг,
Ватандан қўйма.

Оллоҳим ўзинг
Ватандан қўйма.

Юлдузлар жилосидаги шеърлар

Ўроз ҲАЙДАР — *милиция капитани. Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот марказида хизмат қилади. Бир неча шеърий китоблар муаллифи.*

ЮРТИМ

Менинг тулпор юртим, чавандоз юртим,
Эзгулик йўлида поёндоз юртим,
Офтобнинг қўрига хокандоз юртим,
Шаънинг улуғлайман қўлда соз, юртим.

Боболар шавкати, оталар шони —
Ғурурим кўзгуси, асрим забони,
Сенсан саховатнинг ота макони,
Ҳуррият навоси қанот ёз, юртим.

Оналар ўйида эл ободлиги,
Тинчлик қўрғонининг тинч, бунёдлиги,
Дилларда истиқлол нури, шодлиги,
Тоғлардан ҳам юксак кўкси ғоз, юртим.

Эй ўзбек элим, эй она юртим,
Иқболинг туш кўриб, ўт кечиб юрдим,
Бу кун ҳокинг қайта кўзимга суртдим,
Ўзлигинг муборак, чавандоз юртим.

ЮРТ ЎҒЛОНЛАРИ

Юртимнинг биз жасур ўғлонларимиз,
Элимиз тинчлигин посбонларимиз.
Сергакмиз, ҳушёрмиз кечаю кундуз,
Ҳақу адолатнинг қалқонларимиз.

Истиқлол маёғи порлагай абад,
Эркимиз туғидан нурафшон ҳаёт.
Бунёдкор, меҳнаткаш она халқимиз,
Оталар ғурури бизга қўш қанот.

Тоғ қадар юксалсин шон-шавкатимиз,
Довул йўлин тўсгай куч-қудратимиз.
Бахту фаровонлик тутган йўлимиз,
Жаҳонга омонлик! — шул ибратимиз.

Биз буюк Туроннинг мард ўғлонлари,
Ҳамиша адолат, ҳақ қалқонлари.
Она-Ватан учун хизматга шаймиз,
Яшнасин, гулласин юрт қўрғонлари.

Туроб ЮСУФ— *милиция майори. 1981 йилдан буён ички ишлар идораларида хизмат қилади. Ҳозир Пахтакор тумани ИИБ навбатчилик қисмининг катта тезкор нозири. Бир неча китоблар муаллифи.*

ҚАЛАМГА

Замондай елдирим, ботир шонидай
Орзулар ортидан энтикиб чопдим.
Охир умримнинг қай гўзал онида
Сен— оддий, кўримсиз хилқатни топдим.

Нобакор дунёнинг ваҳми қилиб кор,
Хотиржамлик букун мендан йироқдир.
Сени топмасликдан кўра ҳам минг бор
Йўқотиб қўймоқлик даҳшатлироқдир.

БАРМОҚЛАР ҲУСУСИДА

Қўлинг кўтарганингда букилмай турса бармоқ,
Таслимлик белгиси бу, ҳақ гапни қилма инкор.
Нафсиздир муштсиз ҳолда ғанимга қўл кўтармоқ,
Зеро, қуруқ ваҳима натижа бермас зинҳор.

Ғофил одамга ўхшаб бир тўп муртад, мунофиқ
Кўзғамасин сенинг ҳам ҳурмат, ардоқларингни,
Ҳур аждодинг сиғинган кўҳна динга мувофиқ
Тобла, ҳам тарбият қил барча бармоқларингни.

Шаън, ғурур меҳробидан қалб деган ўтли ваъзхон,
Оҳ чекиб, ноқис аҳлин чорлаганда намозга,
Бу ўнта бармоқ, яъни ҳақиқий ўн намозхон
Бош қўйиб турсин олдин кафт деган жойнамозга.

Даҳрийлар бахти кулган замонда сен уларни
Жойнамоз бирла алқаб, барин кўкка кўтаргил.
Қадрламас магар ким бу жовидан ҳунарни,
Дилинг қаърида ёнган лахча чўққа итаргил.

Билиб қўй, ҳатто қаттол, энг қаҳратон аёзда
Ҳақ ёди ва каломи сўлмас гулшанимиздир.
Ёвлар кўп, баридан ҳам кафт деган жойнамозга
Эгилмаган бармоқлар қабиҳ душманимиздир.

Зикрилла НЕЪМАТ— *милиция капитани. Бухоро вилояти ИИБ катта инспектори вазифасида хизмат қилади.*

КЕТМОҚ МАЛОЛИ БОРДИР

Дунёда ҳар кишининг ўз ўй-хаёли бордир,
Ўз мақсадин йўлидан бормоққа ҳоли бордир.
Кимда зар, кимда ҳунар, кимда ақлу-ҳуш бўлар,
Кимнинг ҳусида тенгсиз соҳибжамоли бордир.

Дўстгинам, сен ҳам зинҳор инсонлигинг унутма,
Умидли бўл, дунёдан мисли хору хас ўтма,
Бошинг кўкка етса ҳам, элни нописанд этма,
Камтарин бўл, манманнинг бир кун заволи бордир.

Молпарасту беорлар Ватан қадрин на билгай,
Кўкламда ёққан қорлар чаман қадрин на билгай,
Сояга ишқибозлар саман қадрин на билгай,
Халқнинг бу ҳақда боплаб айтган мақоли бордир.

Ёшлик ҳам ўтар-кетар, муқим бўлиб қолмагай,
Чирой ҳам бир умрлик ҳуси бўлиб қолмагай,
Ҳеч бир зот бу дунёга устун бўлиб қолмагай,
Бир кун чўбин от миниб, кетмоқ малоли бордир.

Келса, ажал элчисин алдаб кетолмас ҳеч ким,
Икки дарё қирғоғин ҳатлаб ўтолмас ҳеч ким,
Мункарнакир сўроғин четлаб ўтолмас ҳеч ким,
«Инсон бўлиб на қилдинг?» — деган саволи бордир.

КЕЧИРАСИЗ БИЗНИ, КУМУШЛАР

Илҳом ҲАМРО— *Жиззах вилоят ички ишлар бошқармасида хизмат қилади. Бир неча шеърий китоблари чоп этилган. Республика Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.*

Қаршингиздан кетмоқлик қийин,
Васлингизга етмоқлик қийин,
Ишқингиздан кечмоқлик қийин,
Бошдан ошиб қолди юмушлар,
Кечирасиз бизни, Кумушлар!

Ёқиб гоҳо ёқмай ўтамиз,
Қадрингизга ҳар он етамиз.
Сизсиз ахир қаён кетамиз,
Бошдан ошиб қолди юмушлар,
Кечирасиз бизни, Кумушлар!

Отабеклар ночор деманг-эй,
Пул ишқига дучор деманг-эй,
Муҳаббатдан қочар деманг-эй,
Бошдан ошиб қолди юмушлар,
Кечирасиз бизни, Кумушлар!

Кўп нолиманг, суяверамиз,
Эркалаб ҳам, куяверамиз,
Малакларга йўяверамиз,
Бошдан ошиб қолди юмушлар,
Кечирасиз бизни, Кумушлар!

Замондан ортда қолдикму,
Дилингизга оғриқ солдикму,
Айтинг, сиздан кечиб тондикму,
Бошдан ошиб қолди юмушлар,
Кечирасиз бизни, Кумушлар!

Ўзингиз-ку, ёй -қалам, қошли,
Кўрган кўзлар барчаси ёшли,
Ошиқ Илҳом деманг бардошли,
Бошдан ошиб қолди юмушлар,
Кечирасиз бизни, Кумушлар!

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи А. ПЎЛАТОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 31847 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0242

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 21.30.
123456.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

MINISTRY FOR FOREIGN ECONOMIC RELATIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN REPUBLICAN COMERCIAL EXHIBITION CENTRE "UZEXPOCENTRE"
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИ. САВДО-КЎРГАЗМА МАРКАЗИ

UZEXPOCENTRE

1996 йил 17-20 май
"Ўзэкспомарказ" РСКМ
2-павильон
Амир Темур кўчаси, 107-уй
(собиқ ХХЮК)

Шаржа Амирлигининг савдо-саноат палатаси "Шаржа Амирлиги экспорт маҳсулотлари" кўргазмаси

Мамлакатнинг етакчи 25 фирма ва компанияси халқ истеъмоли моллларини намойиш этади.

Иш тартиби: ишбилармонлар учун — соат 10⁰⁰-14⁰⁰гача.
ташриф буюрувчилар учун — соат 14⁰⁰-18⁰⁰гача.

ЛИЦЕЙГА МАРҲАМАТ!

САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ РЕСПУБЛИКА ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ 1996-1997 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лицей-интернатга қишлоқ мактабларининг тўққизинчи синфини «аъло» ва «яхши» баҳолар билан тугатган ўқувчилар қабул қилинади. Ҳужжатлар 25 июнгача қабул қилинади.

Лицей ўқувчиларни танлаш тест синовлари (суҳбат) асосида 26 июндан — 30 июнгача ўтказилади.

Машғулотлар 1996 йилнинг 2 сентябридан бошланади.

Машғулотларни институтнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари олиб боради.

Лицейга қабул қилинган ўқувчилар барча шароитлари мавжуд бўлган ётоқхона ва тўрт марта иссиқ овқат билан бепул таъминланадилар.

Лицейга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

— лицей директори номига ота-оналари розиликлари кўрсатилган ариза;

— 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги шаҳодатнома;

— 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат;

— соғлиги тўғрисидаги У-86 тиббий маълумотнома.

Лицейда иқтисодиёт (бухгалтерия ҳисоби ва аудит, маркетинг) ҳамда овқатланиш маҳсулотлари технологияси (консерва, пишеконцентратлар технологияси ва умумий овқатланиш маҳсулотлари технологияси), молия ва кредит (солиқ ва солиқ солиш) йўналишлари бўйича институтга ўқишга кириш учун ихтисослашган таълим берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 703000, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 9.

Лицейга ҳужжатлар институт ҳовлисидаги спорткомплекс биносининг 1-қаватида қабул қилинади.

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-39-90, 33-38-72.

«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 18 май, шанба куни чиқади.